E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

ХИЗМАТ ИТЛАРИНИ МАХСУС ЙЎНАЛИШГА ТАЙЁРЛАШДА ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Каримжонова Мунаввар Ибрагимовна
Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси,
Божхона институти
“Иқтисодий ва ижтимоий фанлар” кафедраси доценти,
PhD, божхона хизмати полковниги

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида кинология хизматининг аҳамияти, жумладан, божхона органлари тизимида миллий кинология марказининг ўрни ва хизмат итларини махсус йўналишга тайёрлашда ўқув-ўргатиш усулларини илғор халқаро тажрибалар асосида янги инновацион технологиялар яъни сунъий интелект-робот итларнинг яратилиши ва ундан фойдаланишнинг аҳамияти ва истиқболлари бўйича илмий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Таянч сўзлар: божхона фаолияти, кинология хизмати, кинология, хизмат итлари, умумий машқ курси, махсус машқ курси, ит зотлари, ўргатиш усуллари, инновацион технологиялар, масофадан бошқариш.

Annotation: In this article, the importance of canine service in the system of law enforcement bodies of the Republic of Uzbekistan, including the role of the national canine center in the system of customs authorities, and the methods of training service dogs in a special direction based on advanced international experiences, new innovative technologies, i.e. the creation of artificial intelligence-robot dogs and scientific proposals and recommendations on the importance and prospects of use are presented.

Key words: customs activity, canine service, canine, service dogs, general training course, special training course, dog breeds, training methods, innovative technologies, remote control.

КИРИШ

Одамзод пайдо бўлибдики, унинг турмуш тарзи мунтазам ўзгариб келмоқда. Бу жараён дастлаб табиат ҳодисалари билан боғлиқ бўлган бўлса, кейинчалик эҳтиёжларни қондириш, вақтни тежаш ва бошқа енгилликларни яратиш учун инсониятнинг ўзи буни амалга ошириб келаётир. XXI асрда бу жараён ўзининг энг юқори чўққисига чиқди, десак янглишмаган бўламиз. Бу даврнинг ўзига хос белгиларидан бири – сунъий интеллект (artificial intelligence – AI)нинг реалликка айланиб, ҳаётимизга кириб келиши бўлди. Ҳозирда биз фойдаланаётган кўплаб ахборот технологиялари дастурлари, жумладан, мобиль қурилмаларнинг барчаси сунъий маҳсулидир. Уларни яратиш ва йиғиш жараёнида ҳам махсус роботларнинг беминнат хизматидан фойдаланилади. Аниқроғи, бир роботни яратиш учун бошқа бир робот ишлатилади. Айниқса, оғир саноатда роботларнинг улуши катта. Сабаби, маълум бир ишни бажариш учун мўлжалланган роботлар берилган вазифани одамларга нисбатан тезроқ, аниқроқ, энг муҳими, бехато бажаришади.

Бугунги кунда глобаллашган дунёда ривожланишнинг асосий омили техник ва технологик тараққиёт билан белгиланади. Шунингдек, илмий-технологиялар тармоғи, иқтисодиёт ва хавфсизлик ҳам бир неча асрлардан бери бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиб, синхрон тарзда ривожланиб келади. Таъкидлаш жоизки, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга янги омил – сунъий ақл жадаллик билан кириб келди ва кундалик турмушимизда фаол иштирок этмоқда. Мисол учун, Google энг кўп изланган буйруқларни эслаб қолиш ва тавсия қилиш имконига эга. Шу каби улкан маълумотларни йиғаётган корпорациялар уларни қайта таҳлил қилиш орқали сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга фаол аралашмоқда. Маълумотлар базаси устидан назорат ўрнатиш кўплаб ҳукуматларнинг асосий мақсадига айланиб улгурди.

Бу борада мамлакатимизда “Инсон қадри учун” ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш борасида айниқса, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш мақсадида уларнинг фаолиятини рақамлаштириш борасида кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сон Фармонида судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш каби бугунги куннинг долзарб вазифалари белгиланган.

Шу боис, сунъий интелект-роботлардан мақсадли ва мамлакат ижтимоий иқтисодий ривожланиши ҳамда инсонларга фойда келтирувчи восита сифатида яратиш ва фойдаланишни тақозо этади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.

Бизга маълумки бугунги кунда ривожланган давлатларда барча соҳаларда ахборот технологияларни қўллаш жумладан, сунъий интелект-робот техникалардан фойдаланиш энг муҳим восита бўлиб бормоқда.

Сунъий интеллект ўзи нима?. Сунъий интеллект деганда инсоннинг мантиқий ва ижодий функцияларини бажарувчи интеллектуал сунъий тизим тушунилади. Ушбу атама, шунингдек, ўрганиш ва муаммоларни ҳал қилиш каби инсон ақли билан боғлиқ хусусиятларни намойиш этадиган ҳар қандай технологияга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Сунъий интеллектнинг идеал хусусияти – бу аниқ мақсадга эришиш учун энг яхши имкониятга эга бўлган ҳаракатларни баҳолай олиш ва амалга ошириш қобилиятидир.

Илк бора Москвада сунъий интеллект тизимига бағишланган биринчи Россия форуми — RAIF (The Russian Artifisial Intellegense forum) бўлиб ўтди. Унда йирик компанияларнинг менежерлари ва IT-мутахассисларидан иборат 500 нафар иштирокчи қатнашган. Ушбу форумда ақлли машина технологияси ва сунъий интеллект — эртанги эмас, бугунги кун эканлиги ҳамда улар савдо-сотиқ, суғурта, банк соҳасида, тиббиётда, ишлаб чиқариш саноатида, қўриқлаш ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашда ҳамда бошқа ишларда фойдаланиб келаётганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Сунъий интеллект ҳақидаги баҳс-мунозаралар қарийб 50 йилдан бери давом этиб келмоқда. Мутахассислар ҳанузгача бир тўхтамга келишгани йўқ. Баъзилар уларнинг оммалашиб одамлар ўрнини эгаллаб бораётгани натижасида оммавий ишсизлик кўрсаткичлари ошиб кетиши мумкинлигини таъкидлайдиларва ташвинадилар. Мутахассисларнинг бошқа бир гуруҳи эса сунъий интелектга нисбатан ижобий муносабатда бўлиш кераклигини уқтиришмоқда. Сунъий интеллект ҳақида жуда кўп илмий-тадқиқот ишлар ва қарашлар бўйича қуйидагиларга тўхталиб ўтамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Сунъий интелект ҳақидаги мутахассис ва олимлар қарашлари[1]

Т/Р	Мутахассислар	Фикр ва мулоҳазалари
1.	SpaceX асосчиси Илон Маск	Маскнинг фикрича, “Сунъий интеллект

[1] Маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

		инсоният цивилизацсияси учун асосий хавфдир. Сунъий интеллект меҳнат билан боғлиқ оммавий муаммоларни келтириб чиқаради. Сабаби, роботлар ҳамма ишни биздан кўра яхшироқ бажара олишади. Илғор технологиялар ортидан қувиш натижасида, компаниялар сунъий интеллект ортидан келиб чиқадиган хавф-хатарни кўрмай қолишлари мумкин".
2.	Microsoft раҳбари Билл Гейтс	Бир неча ўн йилдан сўнг, роботлар ишнинг катта қисмини бажара бошлагач, Сунъий интеллект шу қадар кучайиб кетадики, якунда у бизни хавотирга сола бошлайди. Бу борада Илон Маскнинг фикрига қўшиламан. Аммо нега бу савол бошқаларни ташвишлантирмаётганига ҳеч тушунолмайман
3.	Facebook эгаси Марк Цукербергни	Янги технологиялар ҳар доим ҳам яхшилик ёки ёмонлик қилиш мақсадида яратилиши мумкин. Сунъий интеллектнинг кенг тарқалиши ортидан келадиган ижобий натижани эса, яқин 5-10 йил ичида кўрамиз

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, IT- соҳасидаги миллиардерлар десак муболаға бўлмайди, уларнинг SpaceX асосчиси Илон Маскнинг фикрини Microsoft раҳбари Билл Гейтс қўллаб -қувватлайди , бироқ Facebook эгаси Марк Цукерберг эса барча нарсаларни яратиш, улардан қайси мақсадда ва қандай даражада фойдаланиш ва уларнинг ижобий ёки салбий натижалари учун эса кўп вақт тажрибалар асосида аниқ фикрга келиш мумкинлигини таъкидлаб ўтади.

ТАҲЛИЛ ВА МУҲОКАМАЛАР

Бугунги кунда айрим давлатларда робот-ҳамширалар, хайдовчисиз транспорт воситалари, буюртмани етказиб берувчи дронлар хизматидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Ҳатто полиция ходимларининг баъзи вазифаларини ҳам махсус роботлар бажаришяпти. Олимлар уларнинг ташқи кўринишини имкон қадар одамларникига ўхшатишга уринишмоқда.

Сунъий интеллект монолит майдон эмас, балки ҳар қандай соҳада қўлланиши мумкин бўлган ўта мослашувчан восита, дейди экспертлар. Иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, энергетика, хавфсизлик, инфратузилма - буларнинг бари энди юқори технологияга суянмаса, қисқа вақтда турғунлик азобини бошдан кечиришга маҳкум бўлади. Масалан, электр станциясида энергия ишлаб чиқариш ва истеъмолчи талабини прогнозлашни яхшилаш, ускуна ишончлилигини баҳолаш ва жараённи автоматлаштиришни сунъий интеллект яхшироқ бажариши шубҳасиз. Ёки банк соҳасида биометрика, чат боти, овозли ёрдамчи каби тушунча ва функциялар айни мавзуга алоқадор ҳисобланади. Транспорт соҳасида - автопилот ва йўл ҳаракати хавфсизлигини кучайтириш, таълимда - билимни баҳолашни автоматлаштириш, репетиторлик, ўқувчи ҳатти-ҳаракатини таҳлил қилиб бориш ҳам рақамли интеллект зиммасига тушади.

Демак шундай экан бизнинг фикримизча бугунги кунда жаҳонда барча соҳаларда жумладан, тиббиёт соҳасида-Москвада кўзнинг кўриш қобилиятини таҳлил қилишда сунъий интеллектнинг турли тизимдан фойдаланилмоқда. У тиббий тасвирлар ёрдамида касалликни аниқлайди. Боғдорчилик соҳасида - Австралияда виноларнинг сифатини яхшиловчи сунъий интеллект тизими яратилган. Ратгерс университетида (АҚШ) яратилган алгоритм бир зумда сохта суратни аниқлашга қодир сунъий интеллект орқали


буюк рассомларга тақлидан чизилган полотнони топишга эришган, музей ходимлари ва полициячилар фаолиятига қўл келган.

Шунингдек, Чикагода ҳуқуқ-тартибот ходимларига жиноятчиликнинг олдини олувчи сунъий интеллектдан фойдаланиш орқали ярим йил ичида қотилликлар сони 33 фоизга қисқартиришга эришилганди. Шаҳар полицияси ҳудудлар бўйича ҳар хил статистикаларни таҳлил қилишга қодир алгоритм машинасини хизматга олди. Чикаго кўчаларига отишма овозини аниқловчи сенсорлар ўрнатилган, сунъий интеллект эса мегаполиснинг барча камераларидан келувчи видеолар оқимини кўриб чиққани ва жиноят содир бўлган жойга полициячиларни автоматик тарзда чақиргани аниқланган.

Демак, бизнинг фикримизча сунъий интеллект асосида жаҳон тажрибаларини таҳлилини кўрганимизда улардан яхши ижобий ишларда тўғри фойдаланиш орқали кўплаб муоммолар ва жиноятчиларга қарши курашда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этган.

Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида хизмат итларини махсус йўналишга тайёрлашда ҳам янги инновацион технологияларни қўллаш орқали масофадан бошқариш усулларини ўқув-ўргатув жараёнларига тадбиқ этиш ва илғор халқаро тажрибалар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Бу борада Хитой Халқ Республикасининг “Xiaomi” номли технология фирмаси томонидан 2021 йилнинг август ойида “Cyber Dog” номли тўрт оёқли роботни ишлаб чиққанлиги бўйича тақдимот ўтказди2. “Cyber Dog”- бу робототехника соҳасида тўрт оёқли шакл омилини қўллайдиган технологик компанияларнинг сўнги намунаси эканлигини ва ушбу робот техникаси АҚШнинг “Boston Dynamics” фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган спот машинаси бўлиб у ўтган йили 74 500 долларга сотувга қўйилган.



Таъкидлаш жоизки ушбу робот техникаси орқали хавфли миналарни ўрганишдан тортиб, шифокорларга беморлар билан масофадан алоқа ўрнатишга қадар турли мақсадларда фойдаланилган. У қурол сифатида эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ҳарбийлар томонидан ҳам синовдан ўтказилган.

Ҳозирда ушбу “Cyber Dog” номли тўрт оёқли роботни 1000 дона ишлаб чиқиш ва унинг дастлабки нархи 1540 ақш доллари этиб белгиланмоқда шунингдек, унинг “уй ҳайвонларига ўхшаш табиати” ҳамда овозли буйруқларга жавоб бериши ва эгасига ҳақиқий ит каби эргашиш қобилияти таъкидланган. Унинг орқаша қайтиши етарли даражада чаққон бўлиб максимал юк кўтариш қуввати 3 кгни ташкил этади ва секундига 3-3,2 метр тезликда ишлайди ҳамда реал вақт режимида ўз атрофини таҳлил қилиши, навигатция хариталарини яратиши, борадиган жойини белгилаши ва тўсиқлардан қочиши мумкин, смартфон иловаси ёрдамида бошқариш мумкин. Бугунги

[2]Интернет маълумотлари асоида муаллиф ишланмаси.

кунда фирма томонидан ушбу роботдан қандай ва қаерда самарали жойлаштириш мумкинлигини аниқ ўрганилмоқда.

Демак, бизнинг фикримизча юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб кинология соҳасида ҳам жиноятчиларга қарши курашда сунъий интеллект - робот итлардан фойдаланиш ва уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хизмат фаолиятида кенг жорий этиш имкониятларини яратиш, унинг натижасида қисқа ва тез фурсат ичида уларга қарши кураш ҳамда хизмат фаолияти самарадорлигига эришиш таъминлаши муқаррар экан.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-122-сон Фармони. 2022 йил 27 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сон Фармони. 2023 йил 16 январь.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги 21-сон қарори. 2021 йил 18 январь.
4. Степанов В. “Все о дрессировке собак” Масква, 2020 г.
5. Дон Сильвия-Стасиевич ва Ларри Кей. Дрессировка без наказания.-Москва:Экмо, 2021.-352 с.
6. https://www.xabar.uz/texnologiya/yordamchi-robotlar-suniy-intellekt
7. https://www.terabayt.uz/post/suniy-intellekt-insoniyatga-nima-beradi
8. https://creativesociety.com/uz/videos/sunii-intellekt-nimalarga-kodir-global-inkiroz.

WORDLY
KNOWLEDGE